

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАМОЗОВ БОБИР БАҲРИЕВИЧ

**МУҲАММАД ПОРСО ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

УДК: 141.336 “14” (М.Порсо)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation

Намозов Бобир Бахриевич

Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари 3

Намозов Бобир Бахриевич

Философские основы суфийского учения Мухаммада Порсо 31

Namozov Bobir Bakhrievich

Philosophical foundations of sufi teaching of Muhammad Porso 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Ф.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАМОЗОВ БОБИР БАҲРИЕВИЧ

МУҲАММАД ПОРСО ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

09.00.03 - Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.DSc/Fal18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўраев Бахтиёр Омонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мадаева Шахноза Омонулаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "8" июн соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40, 239-1892; факс: (8366) 239-11-40; email: rektor@samdu.uz. Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1-кават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№16 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил "25" май куни тарқатилди.
(2021 йил "2" май даги 16 рақамли реестр баённомаси).



С.К.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б

С.А.Чориев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида инсон маънавий-ахлоқий қадриятлари тизимида юзага келаётган ўзгаришларни барқарорлаштириш масаласи ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бормоқда. Айниқса, ахборотлашган жамиятда инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир даврда маданий трансформацион жараёнларни меъёрлаштириш, умуминсоний, маънавий-ахлоқий ғоялар орқали қадриятлар устуворлигини таъминлаш, билим идеаллари ва нормаларига риоя қилишда тарихийлик тамойилига амал қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда билимларнинг ворисийлигини таъминлаш, замонавий ёшларни интеллектуал ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий шакллантиришда буюк мутафаккирларнинг инсон камолоти мезонлари, фаросат, маърифат, ҳақиқатни англаш, маънавий тараққиётга оид қарашларини ҳозирги давр янгиликлари билан уйғунлаштириб бориш заруратини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиётида буюк мутафаккирларнинг илмий-маърифий, фалсафий-ирфоний таълимотлари, хусусан, дунёни билиш, инсон ҳамда унинг ижтимоий моҳиятига оид қарашлари доирасида фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, дунё тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган мутасаввифлар маънавий меросидаги оламнинг яралиши, яратувчи ва инсон моҳияти ҳақидаги таълимотнинг илмий жиҳатларини тадқиқ этиш, инсоннинг яхшилик ва ёмонликка мойиллиги сабабларини очиқ бериш, тасаввуфий қадриятларнинг ижтимоий муносабатларда муроса маданиятига амал қилиш учун заруратини асослаш бугунги кунда илмий-назарий аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, Муҳаммад Порсонинг тасаввуфий таълимотида илгари сурилган диний бағрикенглик, тинчлик, адолат, инсон ҳуқуқлари топталишини танқид қилиш, руҳий-маънавий уйғунликни тарғиб қилиш борасидаги фалсафий қарашларини тадқиқ қилиш бугунги илм-фаннинг зарурий тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда аждодлар меросидаги олам ва одам, инсон табиати, шахс маънавияти, иймон-этикод, таълим ва тарбияга оид қарашларни тадқиқ этиш, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёш авлодни муносиб ворислар қилиб тарбиялашда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши-маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади”¹. Шу жиҳатдан олганда, ислом динининг инсонпарварлик моҳияти тарғиботида улкан ҳисса қўшган тасаввуф таълимоти намояндаларининг айниқса, “Порсоия” таълимоти асосчиси Муҳаммад Порсонинг умуминсоний қадриятлар асосида шаклланган фалсафий-ирфоний қарашларининг инсон камолоти учун позитив таъсир

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. -Б.43.

кўрсатувчи экзистенциал ғояларини ҳар томонлама илмий-назарий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 июндаги 466-сон “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Шарқ мутасаввифлари маънавий меросида тасаввуф таълимотининг фалсафий-ирфоний ғояларини ўрганишга ва унинг фалсафий тафаккур ривожига таъсири масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Centre International investergate of Oxford University, School of Culture, religions and policy in Asia (Буюк Британия), Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society (Германия), Islamic Supreme Council of America, (ISCA-Америка Ислом Олий Кенгаши), Al-Azhar university (Миср, Қоҳира), Санкт-Петербург давлат университети (РФ), The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia (АҚШ), University of Western Ontario (Канада), Institute of Central Asia (Франция), Institute of International relation (Швеция), Dicle university (Туркия), шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de;> <https://www.en.uni-muenchen.de;> <https://www.univ-lille.fr;> <https://www.lse.edu;> <https://www.umich.edu;> <https://www.doshisha.ac.jp;> <https://www.utoronto.edu;> <https://www.cbu.ca;> <https://www.unn.ru;> [http://library.fes.de/;](http://library.fes.de/) <https://www.ritsumei.ac.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (Ўзбекистон) томонидан фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида Муҳаммад Порсо тасаввуфий қарашларининг фалсафий жиҳатлари таҳлили ва тасаввуф таълимотининг ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тасаввуф тарихида Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий мероси, хусусан, Муҳаммад Порсо меросидаги диний бағрикенглик, замонавий дунёвий жамиятда ислом қадриятларини интеграция қилиш, тинчлик, адолат, инсон ҳуқуқлари топталишини танқид қилиш, эътиқодлар интеграцияси, рухий-маънавий уйғунликни тарғиб қилишдаги ўрни илмий асосланган (Islamic Supreme Council of America, ISCA–Америка Ислом Олий Кенгаши); туркийзабон халқларда Марказий Осиё мутафаккирлари, хусусан, нақшбандия таълимоти намоёнларининг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ва нақшбандия таълимоти ғояларининг инсон камолотига маънавий-руҳий соғломлаштирувчи таъсири асосланган (Санкт-Петербург университети, Россия); Муҳаммад Порсо илмий-маънавий мероси манбаларининг таснифи ишлаб чиқилган (Россия ФА шарқ кўлёмалари институти, Россия); Муҳаммад Порсо ирфоний қарашларининг умумтасаввуфий тамойиллар ҳамда тасаввуфий-фалсафий ғоялар ривожига, илм, ҳикмат ва маърифатга ундовчи комиллик мезонлари тараққиётига ворисийлик таъсири асосланган (School of Culture, religions and policy in Asia, Буюк Британия).

Дунёда Муҳаммад Порсонинг маънавий меросида тасаввуф таълимотининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: диний ирфоний қарашларнинг дунёни билиш, инсоннинг яхшилик ва ёмонликка мойиллиги сабабларини очиб беришга оид; диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-шафақат ўзаро ҳурмат туйғуларини шакллантиришга оид илмий концепциялар яратиш; миллий-маънавий мерос захираларини бойитиш; тасаввуфда антропологик муаммолар, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий ўзига хосликнинг инқирозини олдини олишга оид; тасаввуфий таълимотлар тарихини янада бойитишда Марказий Осиё тасаввуф алломалари маънавий меросининг гуманистик аҳамиятини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муҳаммад Порсо фалсафий-ирфоний қарашлари қатор кўлёмза асарларида баён этилган. Мутафаккир мероси, тасаввуфий таълимоти кўплаб мутахассис, соҳа олимлари томонидан маълум бир жиҳатлари тадқиқ этилган бўлиб, тасаввуф таълимотининг мазмун-моҳияти, тасаввуфда борлик, инсон табиати, масалаларини ёритишда қуйидаги фундаментал тадқиқотлар, жумладан, шарқшунос олимлар Е.Э.Бертельс¹, А.Н.Болдырев, М.Т.Степанянц, А.Д.Кныш, А.А.Хисматулин монографиялари муҳим методологик асос бўлди.

¹Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. Т. 3 -Москва, Наука, 1965;- 527 с. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Хорижий мутахассис олимлар томонидан умуман тасаввуф таълимотлари, тариқатлар тарихи уларнинг ривожланиш географияси ва умуминсоний моҳияти хусусида қатор тадқиқотлар эълон қилинган. Хусусан, Мажид Фахри¹, Фритц Майер, Юрген Пауль, Девин Ди Уис, Бернд Радтке каби олимлар томонидан олиб борилган монографик тадқиқотлар Марказий Осиё тасаввуф таълимотлари эволюцияси ҳамда теологик, фалсафий-ирфоний моҳиятига қаратилган бўлиб, маълум даражада мавзу доирасидаги порсоия таълимотининг генезиси каби муаммоларни очиб беришда муҳимдир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида О.М.Ястребов², Ю.А.Ионнесян, Б.М.Бабаджанов, А.А.Мухамедходжаев, М.С.Шамсов каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар Муҳаммад Порсо маънавий меросининг тасаввуф таълимотида тутган ўрнини очиб беришда тарихий аҳамият касб этади.

Юртимиз олимлари И.М.Мўминов³ М.Н.Болтаев, М.М.Хайруллаев, Б.О.Тўраев, С.К.Каримов, Р.Т.Шодиев, Г.Н.Наврўзова, А.А.Хусейнова, Н.О.Сафарова, Ж.М.Холмўминовларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Фалсафа фани доирасида махсус диссертация тадқиқотларида: Р.Т.Шодиев Марказий Осиё тасаввуф таълимотларининг генезисини; Муҳаммад Порсо таълимотининг нақшбандия таълимоти билан ўзаро алоқадорлигини очиб беришда Г.Н.Наврўзованинг нақшбандия тариқатининг мазмун-моҳияти ва комил инсон ғояси; А.А.Хусейнованинг нақшбандия таълимоти намояндаси А.Жомийнинг ирфоний, тасаввуфий қарашлари каби тадқиқотлари, шунингдек, Н.О.Сафарованинг Марказий Осиёдаги илк тариқат хожагон тасаввуфий таълимотининг альтуристик ғоялари, Ж.М.Холмўминовнинг ваҳдатул-вужуд фалсафаси ва унинг нақшбандия таълимотига таъсири масалаларига қаратилган изланиши мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда маълум даражада илмий-назарий аҳамиятга эга.

Марказий Осиё тасаввуф таълимоти ва намояндалари меросини тадқиқ этишда О.Т.Шарипова мутасаввиф Абдулхолиқ Гиждувонийнинг диний-фалсафий қарашларидаги ахлоқий қадриятларни; С.Т.Исмоилов нақшбандия тариқатининг тасаввуф таълимотидаги ўрнини; Х.Р.Рахматова Хожа Аҳрор Валий таълимотининг ижтимоий-фалсафий ғояларини; Э.Х.Зоиров Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини; Х.Ў.Саматов Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни мавзусини махсус диссертация ишларида илмий назарий жиҳатдан қиёсий тадқиқ этганлар.

¹ Fakhry M. A history of islamic philosophy. N.Y. - L. Columbia univ press, 1970. XV. - 427 p. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

² Ястребов О.М. Иоаннасенян, Б.М. Бабаджанов. Мудрость суфиев. Санкт-Петербург: Санкт-Петербургское Востоковедение, 2001. 290.с.Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

³ Мўминов И.Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.: 1968.й.

Манбашунослик соҳасида Н.Комилов¹, Ш.Зиёдов М.Исмоиловларнинг изланишлари мавзу доирасида тасаввуф истилоҳлари, тасаввуфий манбалар орасидаги яқинлик ва ўзаро ғоявий боғлиқлик масалаларини тадқиқ этишда методологик аҳамиятга эга бўлди.

Мавзу доирасидаги муаммоларни тадқиқ этишда тарихшунослар Х.Х.Тўраев, Н.Ў.Хидировлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам диссертация мавзуси доирасидаги тасаввуф таълимотлари генезиси ва ижтимоий-иқтисодий давр тараққиётига таъсирини далиллашда муайян даражада хизмат қилди.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар классификацияси шуни кўрсатадики:

Биринчидан, тадқиқотларда умуман тасаввуф, алоҳида тариқатларнинг диний, тарихий, аксиологик жиҳатлари тадқиқ этилган;

Иккинчидан, Муҳаммад Порсо илмий мероси, хусусан унинг тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари борасида яхлит комплекс илмий тадқиқот амалга оширилмаган.

Демак, диссертация мавзуси доирасидаги муаммо илк бор тадқиқ этилиши билан аҳамиятлидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асосларини “Фаслул-хитоб”, “Таҳқиқот”, “Рисолаи қудсия” асарлари асосида ҳар томонлама таҳлили, фалсафа тарихидаги аҳамиятини ва унинг бошқа тасаввуфий таълимотлар билан ўхшаш ҳамда фарқли томонларини қиёсий тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Муҳаммад Порсо ҳаёти ва унинг маънавий меросини (“Фаслул-хитоб”, “Таҳқиқот”, “Рисолаи қудсия”) асарлари асосида фалсафий таҳлил этиш;

Муҳаммад Порсо тасаввуфий қарашларидаги онтологик масалаларнинг борлиқ ҳақидаги замонавий билимлар билан ўзаро алоқадорлиги ва фарқларини қиёслаш асосида очиқ бериш;

Порсоия таълимотидаги (ирфон) тасаввуф гносеологияси, рационал ва иррационал билишнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда ўзига хослигини қиёсий таҳлил этиш;

Муҳаммад Порсо маънавий меросида тасаввуф антропологияси, инсон камолоти ва диний-ахлоқий ғояларнинг фалсафий жиҳатларини таҳлил этиш;

¹Комилов Н. Тасаввуф 1-китоб, - Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1996; Комилов Н.Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. Тошкент, Ғафур Ғулом, 1999. – Б.151-189. Қайд этилаётган муаллифлар асарларининг номи ва чоп этилганлигига оид маълумотлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида киритилган.

Порсоия таълимотидаги нафс тарбияси, қалб поклиги, мукамал ахлоқ-“ахлоқи авсат” (“ўртача ахлоқ”) масалалари таҳлили асосида комиллик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Муҳаммад Порсонинг маънавий мероси, “Рисолаи қудсия”, “Таҳқиқот”, “Фаслул-хитоб”, “Рисолаи кашфия” асарларидаги фалсафий-ирфоний ғоялар ҳамда мутасаввиф таълимотига оид назарий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асосларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, диалектик ва герменевтик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Муҳаммад Порсонинг инсон табиатдаги мавжудотлардан фарқли табиий ва рухий меъёр соҳиби, унинг камолоти шу “меъёр”нинг сақланишига боғлиқ эканлиги хусусидаги “нафс ҳаққи ва нафс насибаси орасидаги фарқ” концепцияси илмий манбалар асосида далилланган;

Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот” асарида маърифат, фаросат, басират, яқин, кашф, фаҳм софлиги тушунчаларининг фалсафий-ирфоний моҳияти бойитилганлиги, билишда “соғлом сезги аъзолари” концепцияси нақшбандия тариқатининг гносеологик ғоялари такомиллашишига хизмат қилганлиги очиб берилган;

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” асарида илгари сурган “Тавҳид илми” концепцияси тасаввуф таълимоти ва фалсафа тарихида мутлақ ҳақиқатни англашнинг ўзаро диалектик илдизларига эга борлиқнинг бирлиги ва хилма-хиллиги ғоясига трансформацияланишуви мантиқий аргументлаш воситасида асосланган;

Муҳаммад Порсонинг инсон борлиги барқарорлиги (тамкин) шахс маънавий (рух, нафс, қалб тарбияси), хулқ-атвор гўзаллигига (хусни хулқ ғояси) боғлиқлиги ҳамда инсон моҳияти хусусидаги тасаввуфий қарашлари фалсафий таълимотларнинг онтологик ва антропологик хусусиятлари билан ўзаро таъсирда эканлиги фалсафий тезислари асосида далилланган;

Муҳаммад Порсонинг “Фаслул-хитоб” ва “Рисолаи қудсия” асарларидаги ҳақ маърифати, ҳикмат, илм ва мукамал ахлоқ-ахлоқи авсат (“ўртача ахлоқ”) сингари маърифатга ундовчи комиллик мезонлари ҳақидаги ғоялари ислом дини ниқоби остида фаолият кўрсатаётган бузғунчи экстремистик оқимларга қарши курашда субстанционал асосга эга эканлиги илмий-назарий жиҳатдан исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Муҳаммад Порсо мероси асосида Шарқ фалсафасида олам ва одамнинг яралиши, ақлий ва ҳиссий билиш йўллари, умуминсоний кадриятлар “Ирфон фалсафаси” моҳияти ва диний билимларнинг замонавий шахс тарбияси ва эътиқоди мустаҳкамлигини таъминлашдаги амалий аҳамияти очиб берилган;

диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамиятнинг турли қатламлари орасидаги ҳамжиҳатликни юксалтириш, шахслараро муносабатларда муроса

маданиятини шакллантириш, замонавий жамиятда тасаввуф қадриятлари интеграциясига оид ғоялардан ижтимоий амалиётда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

комил инсон тарбиясида илм, ҳикмат ва маърифатнинг ўзликни англаш борасидаги мезонлари асосланган ҳамда глобаллашув шароитида жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида Муҳаммад Порсо илмий меросидаги филантропик, альтуристик мазмунга эга ғоялардан “эгоцентризм”, “ахлоқий нигилизм” иллатларига қарши курашишда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тасиялар ишлаб чиқилган;

ўсиб келаётган ёш авлодда ислом дини ва тасаввуф таълимотининг инсонпарварлик моҳияти тўғрисида, ислом дини ниқоби остида фаолият кўрсатаётган бузғунчи диний-экстремистик оқимларнинг соф исломдан йироқ эканлиги борасидаги тўғри тасаввур кўникмаларни шакллантириш имкониятларини кенгайтиришда фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика халқаро имий конференциялар тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва рисоалардаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосаларнинг фалсафа тарихи таҳлили, жумладан Шарқ мутафаккирлари ҳамда Нақшбандия таълимотининг назарий масалаларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, Ўзбекистонда қолаверса, бутун дунё миқёсида тасаввуфнинг муроса, бағрикенглик, сабрлилик, шукроналик фазилатларининг замонавий ёшларда интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишни шакллантириш учун Муҳаммад Порсо фалсафий-ирфоний қарашлари долзарблигининг исботланганлиги, “Фалсафа тарихи”, “Тасаввуф фалсафаси”, “Тасаввуф тарихи”, “Тасаввуф герменевтикаси”, “Этика” фанлари мазмунининг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулосалардан Муҳаммад Порсонинг фалсафий-тасаввуфий қарашларини навбатдаги илмий ишларда файласуфлар, мутасаввифлар ғоялари билан қиёсий таҳлил қилишда, “Маънавият ва маърифат” марказларининг тарбиялаш фаолиятида, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг илмий-маданий жамоатчилиқни кенг хабардор этиш, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш бўйича илмий-амалий, методик ўқишларида, шунингдек, Муҳаммад Порсонинг ва Шарқ мутафаккирлари маънавий меросининг тақдиротида оид маърузаларда ҳамда мавзуга оид ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асосларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

инсон оламдаги мавжудотлардан фарқли табиий ва рухий меъёр соҳиби эканлиги, унинг камолоти шу меъёрнинг сақланишига боғлиқлиги, ҳар бир инсоннинг жисми, руҳи, нафси, қалбида ҳам тафовутлар борлиги, шунинг учун инсон ўз нафсини таниши, нафсининг талабларини билиши ва уни меъёрда сақлаши муҳим эканлигига оид илмий-назарий хулосаларидан 2015-2017 йилларда бажарилган “Демократик ислохотларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари” мавзусидаги А-1-163 рақамли амалий лойиҳа ижросида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 январдаги 89-03-56-сон маълумотномаси). Натижада, амалий лойиҳанинг самарали бўлишига хизмат қилган;

билишда соғлом сезги аъзолари концепцияси ва маърифат, фаросат, яқин, кашф, басират диққат, фаҳм софлиги тушунчаларига оид илмий-назарий таклиф ва тавсиялардан Бухоро Мир Араб Олий мадрасаси юқори курс талабалари учун “Тасаввуф сабоқлари” ўқув қўлланмасини, шунингдек Бухородаги Етти Пир тарихига оид экспонатлар ва стендлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитасининг 2020 йил 9 январдаги 150-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларда тасаввуф назарияси, унинг илм ҳикмат ва маърифатга асосланган ғоялари маърифий дунёқарашни шакллантиришга ҳамда фалсафий мушоҳадасини кенгайтиришга хизмат қилган;

Муҳаммад Порсо тасаввуфий-фалсафий таълимоти таҳлили, “Тавҳид илми” концепциясининг тасаввуф ва фалсафада мутлақ ҳақиқатни англашнинг ўзаро диалектик илдизларига эга борлиқнинг бирлиги ва хилма-хиллиги ғоясига трансформациялашиши масаласига доир илмий-назарий хулосалари, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази таркибидаги кутубхона ва архив, қўлёзмалар фондларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 31 мартдаги 217/21-сон маълумотномаси). Натижада, фуқаролар онгида минтақамизга хос тасаввуф таълимотларининг жамият маънавий ҳаётидаги таъсири ва турли мутаассиб диний гуруҳларнинг ғояларига қарши курашувчи мўътадил таълимот эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилган;

инсон борлиги барқарорлиги нафс ҳаққи (меъёр), нафс тарбияси ҳамда хулқ-атвор гўзаллигига боғлиқлиги хусусидаги тасаввуфий-фалсафий қарашларига оид илмий-назарий таклиф ва тавсияларидан 2015-2017 йилларда бажарилган “Демократик ислохотларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари” мавзусидаги А-1-163 рақамли амалий лойиҳанинг “Таълим муассасаларида психологик хизматнинг ташкил этилиши” деб

номланган бобида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 январдаги 89-03-56-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг рухий, маънавий оламини бойитишга, мафкуравий иммунитетини оширишга, меъёрий ҳиссий ҳолатларини таъминлашга хизмат қилган;

Муҳаммад Порсо илмий мероси, мукаммал ахлоқ, маърифат назариясига оид гносеологик масалаларига, шунингдек, ҳадис, тафсир, калом, тасаввуф таълимотига доир илмий-назарий хулосаларидан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Порсо кутубхонасига доир қўлёзмалар каталогини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 8 январдаги 02/7-сон маълумотномаси). Натижада, ёш авлодда ислом дини ва тасаввуф тўғрисида, ислом дини ниқоби остидаги бузғунчи экстремистик оқимларнинг соф исломдан йироқ эканлиги борасидаги кўникмаларининг шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада (2020 йил 9 январдаги 150-сон маълумотномаси) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та илмий рисола ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола (жумладан, 14 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн бир параграфдан иборат тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 230 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Мовароуннахрдаги (XIV-XV асрлар) ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий муҳит ва Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимоти”** деб номланган биринчи бобида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият, маданий-маънавий ҳаёт,

даврнинг ўзига хос хусусиятлари ва Муҳаммад Порсо ҳаёт йўли, дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатган ижтимоий шарт-шароит у асослаган тасаввуфий таълимоти хусусида батафсил маълумот берилган. Муҳаммад Порсонинг тўлиқ исми-Муҳаммад бин Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий фақиҳ олим Хисомуддин Юсуф авлодларидан бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳамроҳи ва содиқ издоши Ҳофизуддин ал-Кабир, ал-Бухорийнинг неварасидир. У 1345 йилда Бухоро шаҳрининг “Қуйи деҳқон”¹ маҳалласида туғилган, ҳижрий 822 (милодий 1419) йилда Мадина шаҳрида вафот этган ва шу шаҳар яқинидаги “Жаннатул Бақеъ” қабристонига дафн қилинган. Шайх Зайниддин Хавофий Мисрдан оқ тош келтириб қабри устига қўйдирган².

Тадқиқотда мўғулларнинг Мовароуннаҳр ўлкасига босқини, ҳудудларда мўғул шахзодалари ўртасидаги тожу-тахт учун ўзаро курашлар Мовароуннаҳр маданий-маънавий ҳаёти барқарорлигини издан чиқарганлиги, бу мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўлка маданияти тарихига оид манбалар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар қаровсиз қолгани, кўплаб илм-фан, санъат, адабиёт, вакиллари, уламолар тоифаси, олимлар, меъмор ва мусаввирлар азият чекканлиги, шу сабаб илмга эътиборнинг пасайиши ислом илмлари ва арконларига эътиборсизликлар кузатилиши таъкидланади. Бу ҳақда, XIV асрда Бухорода ва Хуросонда қозилик қилган Алоуддин Бухорий “Ҳайратул-фуқаҳо” (“Фақиҳлар ҳайрати”) асарида мўғул хони Наврўзбек (1356-1358 й.) ни таърифлаб, илгари Мовароуннаҳрда илмни сусайганини, ислом аҳкомларига эътибор берилмаганини, унинг даврида аста-секинлик билан тараққий қила бошлаганини ёзади³.

Диссертацияда И.П. Петрушевский⁴ нинг “Земледелие и аграрное отношение в Иране XIII-XIV веков” асарига асосланиб, мўғуллар босиб олган ҳудудларда деҳқонлар ва ҳунармандларнинг шарт-шароитлари оғирлашгани, мўғулларнинг босқинчилик сиёсати халқнинг норозиликларига сабаб бўлганлиги, шунингдек, 1238 йилда Маҳмуд Торобий бошчилигидаги кўзғолон ушбу зўравонликларга қарши қаратилгани ва бу кўзғолонда кўплаб ҳунармандлар, деҳқонлар ва Шамсиддин Маҳбубий каби машҳур шайхларнинг ҳам ҳалок бўлгани тўғрисидаги воқеалар тарихий фалсафий таҳлил этилган.

Амир Темур даврида мусулмонлар маънавий ҳаётида тасаввуф шайхларининг ўрни муҳим аҳамият касб этарди. Шаҳрисабзда Амир Кулол катта нуфузга эга бўлиб, Амир Темурнинг отаси Тарағайнинг маънавий пири ҳисобланган. Тарағай ўғли Темурда шайхларга алоҳида ҳурмат ва меҳр уйғотган эди. Амир Темур кўплаб мувоффақиятларини Амир Кулол дуолари шарофатидан деб билар эди. Амир Темур Балхни қўлга киритгандан сўнг ўша даврнинг машҳур уламолари Абул-Маали ва Али Акбарлар унинг хизматига кирдилар. Амир Темур билан уларнинг яқин алоқалари мусулмон

¹ Қаранг.: С.А. Сухарева. Квартальная община позднефеодального города Бухары. Москва. 1976.-С.296.

² Навоий А. Насойим ул-муҳаббат.-Тошкент: Фан, 2001.-Б. 269.

³ Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ханафий фикҳи.-Тошкент: Ислом университети, 2014.-Б.107.

⁴ Петрушевский И.П. Земледелие и аграрное отношение в Иране XIII-XIV веков. Москва-Ленинград.1960.-С.32.

уламолари ва шайхларнинг мустаҳкам алоқалари учун замин бўлди. Бу даврда тасаввуф ва тариқатлар ривожланиб, салтанат ижтимоий ҳаётида ўзига хос маънавий таъсир кўрсатди. Ҳунармандлар, деҳқонларнинг катта қисми Нақшбандия тариқати шайхларига ишонардилар ва ҳурматлари беқиёс эди. Сўфий шайхлар инсонни табиатни севишга, инсон ҳаётининг мазмунини, мақсадини англашга, ўзаро ҳамжиҳатлик, касб-ҳунар эгаллашга ҳалол меҳнат билан ризқ топишни ўргатишга оид қатор таълимотлар яратдилар. Улар инсоният жамиятининг барқарорлиги учун курашларда ғоявий, маънавий-ахлоқий таълимотлари билан халқни озодликка, ҳурфикрилиikka чақирдилар, зулм ва зўравонликка қарши туришга ундадилар.

Темурийлар даврига келиб, марказий давлат Мовароуннаҳр ва Хуросонга ажратилиб идора этилди. Самарқанд ва Ҳирот бу икки давлатнинг марказига айланди. Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро даврларида бу заминларда маданий ҳаёт ривожланди. Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда уч тил муомалада бўлиб, араб тили билан айна пайтда форсий, туркий тиллардан унумли фойдаланилган. Бу эса, маънавий-илмий салоҳиятнинг ўсиши, ижтимоий ҳаётда ўзаро ҳамжиҳатлик, барқарорликнинг қарор топиши, маданий юксалишларда муҳим аҳамият касб этган. Араб тилидан ислом ва аниқ фанлар йўлида кўпроқ фойдаланилган бўлса, гуманитар фан соҳаларида, адабий асарлар яратишда форсий ва туркий тиллар кенг қўлланилган.

Шунингдек, Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётида хуруфийлик, нурбахшийлик, мавлавийлик, суҳравардийлик, қодирия, яссавия, хожагон, кубравийлик ва нақшбандийлик тариқатлари сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатган. Тариқат шайхларининг мавқеи ошиб, тариқатчилик ғоялари тарғиб қилина бошлаган. Ислом дини ва мафкураси ҳукмрон бўлган бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларининг турмуш ва тафаккур тарзи ҳам шу асосда шаклланиган эди. Амалий ижтимоий-сиёсий тус олган ва шу йўналишда ривожланаётган бу тариқатлар фалсафий-ирфоний масалалардан бир қадар узоқлашиб, ўзаро турли мазҳабий баҳсларга киришган эди.

Тариқатларнинг бир томонлама зоҳирий расм-русум, одоб доирасида сиёсий-мазҳабий ҳаракат тусини олиши, тасаввуфнинг асл моҳиятидан узоқлашишига, турли диний низо ва ихтилофларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлган. Бу бир томондан мўғуллар зулмига қарши сиёсий-мазҳабий норозилик ҳаракати шаклини олди. Иккинчи томондан, Шиаларнинг ўз ақидаларига мос тариқатларининг пайдо бўлиши, турли сунний ва шиа жамоалари ихтилофларининг кучайишига олиб келди. Учинчидан, сохта шайхларнинг тасаввуфдан бўлмаган нарсаларни унга киритишга ва тариқатни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилишлари одамларда тасаввуф ва тариқатга бўлган ишончнинг пасайишига олиб келди. Тўртинчидан, ушбу шарт-шароит тасаввуфнинг таълим бериш, ўқиб ўрганиш мумкин бўлган назарий тизимини ишлаб чиқишни ва унинг ирфоний-фалсафий асосларини мустаҳкамлашни тақозо қиларди. Шу билан бирга бу даврда ислом фалсафаси “калом”, ақл ва дунёвий билимга таянадиган

“фалсафа” ўртасидаги баҳс мунозаралар ҳам давом этарди. Тасаввуф мураккаб бир таълимот сифатида диннинг ўзига хос айрим тамойилларидан чиқиши билан хурфикрлилик манбаи даражасида ривожланиш имкониятига эга эди. Диссертацияда мазкур муаммо ва ихтилофлар ечимида Муҳаммад Порсонинг мукамал асарлари, унинг фалсафий-тасаввуфий таълимоти ўзига хос ўрин тутгани илмий манбалар асосида таҳлил этилган. Шу билан бирга Муҳаммад Порсонинг илмий мероси, айниқса, ирфон фалсафасига доир “Таҳқиқот”, “Рисолаи кудсия”, “Фаслул-хитоб” асарлари таҳлили натижасида унинг нафақат Нақшбандия тариқатининг умумтасаввуфий таълимот даражасига кўтарлиш тамалини қўйган назарий олим балки, тасаввуф таълимотининг назарий ва амалий масалаларини илмий таҳқиқ¹ қилган, ирфон фалсафаси намояндаси, давлат арбоби, муҳаддис, фақиҳ ва “Порсоия” тармоғининг асосчиси эканлиги илмий асосланган. Мутасаввифнинг фикр соҳасидаги фаолияти, унинг ҳанафий фикри билан чуқур шуғулланганлигини англатувчи ўз шогирди Илос ибн Яҳё ибн Ҳамза ар-Румига 21 шавбон 821/23 сентябрь 1418 йилда Бухорода ҳанафий фикри бўйича берган ижозаси (рухсатномаси)² асосида исботланган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг темурийзодлар билан муносабатларини ёритувчи: “Ҳазрати Муҳаммад Порсо гоҳ-гоҳ мусулмонларнинг муҳимларини кифоят этмак жиҳатидин Мирзо Шохруҳга “руқъа” ёзар эрдилар”³. Мирзо Улуғбек Самарқандда ҳукмронлик қилган даврда ҳадис⁴ соҳасидаги баҳсларда иштирок этгани ва Мирзо Улуғбек билан бевосита мулоқотда бўлганлиги ишончли манбалар билан асосланган. Тадқиқотда Бухоролик ҳанафий фақиҳлар сулоласига тегишли бўлган⁵ “Хизонатул-кутуб” номи билан машҳур “Қуйи деҳқон” гузаридаги кутубхонага вақфнома⁶ га кўра 810/1407-1408 йиларда Муҳаммад Порсо раҳбарлик қилганлиги, бу кутубхона “Муҳаммад Порсо кутубхонаси” номи билан ҳозирги давргача ҳам машҳурлиги, кутубхонанинг “ромб” ва тўртбурчак шаклидаги муҳрлари мавжудлиги, уларнинг ёзувлари мазмунан ҳар хил бўлса-да, моҳиятан бир маънога эга эканлиги, мазкур кутубхонага тегишли китобларнинг хорижий мамлакатларда ва республикамиз кутубхона фондларидаги нусхалари аниқланган⁷.

Тадқиқотнинг биринчи боби иккинчи бандида Муҳаммад Порсонинг ирфоний-фалсафий дунёқараши яратувчи, олам ва одам ҳақидаги диний-фалсафий тасаввурлари Хисомуддин Юсуф оиласи муҳитида ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган кезларида шаклланганлиги таъкидланади. Унинг диний-фалсафий концепциялари учун Қуръон, Сунна ҳамда Абу Бакр

¹Таҳқиқ-изланиш, ҳақиқатлаш, асослаш.

² Ш.Зиёдов. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. -Тошкент: фан, 2009.-Б.112.

³ Қаранг: Фахруддин Али Сафий. Рашоҳот айну-л-ҳаёт. Худойберган Бекмуҳаммад таржимаси. - Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.91.

⁴ Фахруддин Али Сафий. Рашоҳот айну-л-ҳаёт. Худойберган Бекмуҳаммад таржимаси.- Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б. 90.

⁵ Зиёдов Ш.Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасига оид янги маълумотлар.Тошкент: Шарқшунослик, 2013 № 2.-Б.142-149.

⁶ Қаранг. С.А. Сухарева. Квартальная община позднефеодалного города Бухары. Москва. 1976.-С.296.

⁷ Зиёдов Ш. Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасига оид янги маълумотлар.Тошкент: Шарқшунослик, 2013 № 2.-Б.142-149.

Калободий, ал-Хужвирий, Абу Ҳомид Ғаззолий, Фаридуддин Аттор, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий, Абу Мансур Мотуридий, Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари ғоявий асос бўлиб хизмат қилгани бирламчи манбалар таҳлили асосида очиб берилган.

Тадқиқотчи диссертациянинг мазкур бўлимида Муҳаммад Порсо илмий меросининг таҳлили ҳамда илмий изланишлар олиб борган олимларнинг хулосаларига таяниб унинг асарларини қуйидагича таснифланган:

- I. Қуръон, ҳадис, тафсир, калом илмларига оид асарлар;
- II. Нақшбандия тариқати ва тасаввуф назариясига оид асарлар;
- III. Тасаввуф ва фалсафанинг айрим тушунча ва категорияларига оид асарлар;
- IV. Тарих, география, адабиёт, биография туркумига кирувчи асарлари.

Муҳаммад Порсо йигирмадан ортиқ тасаввуф, ирфон фалсафаси, тасаввуф назарияси ва тариқатлар тарихи, адабиёт, география, тарих фанларига доир муфассал асарлар ёзиб қолдирди. Унинг илмий мероси темурийлар даври маданий юксалишларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган.

Диссертациянинг **“Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотида онтологик масалалар таҳлили” деб номланган иккинчи бобида “وجود”** (“борлик”), “اوروج” “уруж” (“такомиллашув”), “عالم” (“олам”) ва “ادم” одам муносабатлари, “مكان” макон ва “زمان” замон категориялари, одамнинг яралиши ва инсон ҳақидаги қарашлари таҳлил этилган.

Диссертацияда тасаввуф онтологияси мураккаб ва зиддиятли бўлиб, у умумқабул қилинган онтологик концепциялар доирасидан чиқиши, бунда тасаввуфий тафаккур тизимида “вужуд” масаласи асосий ўринга кўтарилиши масалалари таҳлил этилган. Тасаввуфда мутлақ борлик сифатида Аллоҳнинг мавжудлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлиги таъкидланган. Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг ўз таълимотини тушунтиришда ривоятлардан, шеърятдан ва ҳадислардан суҳбатлар олиб бориш усулларидан кенг фойдалангани, бу унинг тасаввуфий тафаккури учун онтологик асос бўлиб хизмат қилгани таҳлил этилган. Шунингдек, диссертацияда Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот” асарига асосланиб, “وجود” “вужуд” ҳақиқати “Мутлақ борлик”¹ дир. аҳадиятдан “واحديات” воҳидиятга, воҳидиятдан “رئوبيات” рубубиятга ва ундан “жомеъаи инсоният”га тажаллий қилиб, “حضارات كلية” “ҳазороти куллия”ни ташкил қилиши ҳақидаги “тажаллий” (“инъикос”) назарияси, инсон моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотларнинг онтологик ва антропологик хусусиятлари билан ўзаро таъсирда эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсо таълимотига кўра тажаллиётдан оламдаги барча моддий ва номоддий нарсалар вужудга келади. Улар доимий ўзгаришда ҳамда “اروج” “уруж” такомиллашишда бўлиши таъкидланган. Диссертант мутасаввифнинг “Таҳқиқот” асаридаги “Ҳақ ўзининг вужуди билан ашёларга шакл ва шамойиллар кийдирди. Ўзининг вужуди нури билан уларни кўринадиган қилиб қўйди. Ўзининг шуҳуди бақосида боқий бўлишлари учун тажаллий этди. Ўзининг улуҳиятининг (илоҳий мутлақият) далили учун

¹ Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV /137 рақамли қўлёзма. -Б.74.

вахдатда касратни (бирликда кўпликни) жойлаштирди”¹, деган ирфоний ғояларини фалсафий таҳлил этган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг борлиқ масаласидаги қарашлари “Тавҳид” манзиллари хусусидаги фикрларда ҳам ўз ифодасини топганлиги қуйидагича изоҳланган.

I.Биринчи манзилни “عشق” “ишқ”;

II. Иккинчисини “نسستي” “нести”, (“йўқлик”);

III.Учинчисини “حسستي” “ҳасти”, “борлиқ”², деб атади.

“Ишқ” “عشقة” (“ашқа”) арабчадан ўзбек тилига таржима қилинганда “чирмовуқ” маъносини беради. Бунинг маъноси шуки, У бутун борлиқни ўз илми билан қуршаб олган, ўзига “ошиқ” “عاشق” бўлиб, ўзини ошкор этиш учун борлиғини танитиш учун бу оламни яратган. Ишқ муҳаббат мақомида воқе бўлиб, уни сайр ила Аллоҳ³ мақомининг ниҳоясидир. Бу-нафснинг ҳавойи, ҳайвоний, шаҳвоний истаклардан воз кечиши ва қалбда Аллоҳга “қурб” (“яқинлик”) ҳосил бўлишидир. Буни фано фи-Аллоҳ, Аллоҳга сингиб кетиш ҳам дейилади. Манбаларда⁴: “Мен яширин хазина эдим, ўзимни танитишни хоҳладим ва мени билишлари учун оламни яратдим”,-деган қудсий ҳадис келтирилади. “نسستي” “нести”, (“йўқлик”) бу фонийлик билан тенглаштирилади. Ўткинчи, моҳияти йўқ нарсадир. “حسستي” “ҳасти”, “борлиқ” “адам” йўқлик олаmidан “вужуд” оламини яратди. “Болойи ҳасти ҳеч чиз нийст”⁵. (“Борлиқдан юқорида ҳеч нарса йўқ”). Аллоҳ ўз-ўзлигида намоён бўлмаган моҳият сифатида бўлиб, қуйи даражалардаги моҳиятлардан фарқ қилади. Унинг Яккаю ягоналиги, Мутлақ транседент бўлиб қолмай, нарсаларга ва одамга ҳам тажаллий қилади. Муҳаммад Порсо фикрига кўра, “Сифат, ранг, шакл аҳадиятда Удирки, касрат олами турли кўринишларда зуҳур этади”⁶. Демак, аллома қуръон маърифатига таяниб, оламнинг яратилганлигини таъкидлайди.

Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг онтологик илдизларида ақл, ҳикмат, қалб, маърифат ҳақидаги билимлар муҳим ўрин тутди. Унингча, сўфийлар учун ҳақиқий билим – қалбни поклаш, ботиний ибодат – Аллоҳга яқинлашиш воситасидир. Олам бу илоҳий моҳият акс этадиган кўзгудир. Ақл, рух, нафс, дил тушунчаларидан онтологик аснода фойдаланилган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсо яшаган XIV-XV асрларда тасаввуф назариясининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди. Тасаввуфнинг онтологик концепциясининг асоси бўлган – “Ваҳдатул-вужуд” таълимоти таъсирида мўътадил “Ваҳдатул-шуҳуд” назарияси ҳам такомиллаштирилганлиги ўз

¹ Муҳаммад Порсо.Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АҚМ Шарқ кўлёмалари бўлими. INV /137 рақамли кўлёмма. - Б.10.

² Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АҚМ Шарқ кўлёмалари бўлими. INV /137 рақамли кўлёмма.-Б.3.

³ Ўша асар.-Б.3.

⁴ Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. М., 1987. - С. 46.

⁵ Муҳаммад Порсо.Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АҚМ Шарқ кўлёмалари бўлими. INV /137 рақамли кўлёмма.-Б.3.

⁶ Муҳаммад Порсо.Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АҚМ Шарқ кўлёмалари бўлими. INV /137 рақамли кўлёмма.-Б.54.

ифодасини топган. Мутасаввифнинг бу йўналишдаги фалсафий-ирфоний ғоялари таҳлил этилган.

Диссертацияда Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот” асари асосида Муҳаммад Порсо таълимотидаги макон ва замон категорияларининг диний-фалсафий талқинларини бошқа тасаввуф таълимотларида учрамайдиган ўзига хослик сифатида таъкидланиб, улар қуйидагича таснифланади:

I. “Жисмоният макони” учга бўлинади:

1 “касиф” (“қуюқ, лой, ер”).

2. “латиф” (“юмшоқ, майин, ҳаво”).

3. “алтоф” (“ўта юмшоқ ёки ўта майин нурлар”) маконлар¹.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг макон ва замон ҳақидаги “Касиф” (“қаттиқ”, “лой”) “مکانی جسمانیات کسيفی زمینی است” (“қаттиқ, қуюқ жисмлар макони ердир”), ерда торлик, тиғизлик, зичлик мавжудлиги, касиф маконда “нақли ақдом” (“нарсалар ҳаракати”), “қатеъ масофат” (“масофани кесиб ўтиш”) асосидаги ҳаракат борлиги, “Латиф” макон ҳаво макони ва ундан юқорида ўта майин “алтоф” нурлар маконлари мавжудлиги ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда фарқлари таҳлил этилган.

II. “Руҳоният макони” ҳам уч қисмдан иборат:

1. “адно” (“қуйи”).

2. “авсат” (“ўрта”).

3. “аъла” (“олий”).

“адно” (“қуйи руҳоният макони”) бу-ерга, тоғларга, дарёларга сифлий оламнинг “мунзим” бағридан вакил қилиб туширилган фаришталар маконидир.

“авсат” (“ўрта руҳоният макони”) бу-осмонлар малоикалари маконидир. Ҳар бир осмон бир-биридан тўсилган.

“аъла” (“олий руҳоният макони”) бу-ҳазрати рубубиятга яқинлар маконидир. Инсон қолипи ҳам муқаддаслиги билан “Руҳга” макон қилинган. Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг фикрлари “Биздан ҳар биримизнинг маълум мақомимиз бордир”² оятига асослангани таъкидланади.

Муҳаммад Порсонинг энг катта ютуқларидан яна бири шундаки, у вужуд назариясида макон ва замон уларнинг ажралмаслиги, яхлитлиги ҳамда бир бутунлигини уқтирган, улар орасидаги фарқни ажратиб кўрсатган ҳамда макон ва замоннинг диалектик алоқадорлигини тўлиқ ёритгани, “Замони-жисмоният” ва “Замони руҳоният” сифатида фарқлагани диссертацияда ёритилган.

Тадқиқотда “Таҳқиқот”, “Фаслул-хитоб” асарлари асосида инсон хусусидаги диний-фалсафий фикрлари очиб берилган. Диссертант Муҳаммад Порсонинг Аллоҳ одамни ернинг барча томонларидан олинган бир сиким тупроқдан яратгани сабабли, одам авлоди ернинг турига ўхшаб, қизил танли, оқ танли, қора танли ва уларнинг орасидаги рангларга эга. Ернинг юмшоқ, қаттиқ, пок, нопок жойлари бўлгани каби инсонлар ҳам турлича бўлади. Покиза тупроқ одамлари мулойим кароматли, улуғ хислатли бўлиб, улар

¹ Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV /137 рақамли қўлёзма.-Б.74.

² Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. Қуръони Карим Соффат сураси. 164-оят.

орасида хур ва эркин мукаррам кимсалар бўлиши¹ ҳақидаги фикрларини Абу Райхон Берунийнинг “одамлар тузилишининг ранг, сурат, табиатан ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалиги учун эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир”², деган фикрлари билан қиёсий таҳлил этган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот” асарининг “қолиби одамий” (“Одам андозаси”) деб номланган фаслидаги инсон қолипида тупроқнинг макони зоҳир ва аён эканлиги, сувнинг макони алоҳида бўлиб, латифлиги, бу латифлик сувнинг латофатига монандлиги, сувда ҳавонинг макони ўзига хос бўлиб, сувнинг маконидан ҳам латифроқ эканлиги, ҳавода оловнинг макони бўлиб, у ҳавонинг маконидан ҳам латифроқлиги ҳамда рух ушбу барча зарларнинг зари, ҳақиқати ва мавжудлиги тўғрисидаги ғоялар илмий таҳлил этилган³. Шунингдек, “моҳияти рух мисоли бо жасад моҳияти Ҳақ аст”⁴ яъни, “рухнинг моҳияти мисоли жасадда Ҳақнинг моҳияти кабидир” - деган талқин асосида инсон борлиғидаги ҳар бир унсур ўз маконига эга экани ҳамда “Рух” моҳиятини барча унсурлар ичида муҳим масала эканлиги таъкидланган.

Муҳаммад Порсонинг инсон руҳи хусусидаги фикрларига таяниб, рухларнинг латифлик нуқтаи назаридан даражаларга ва тафовутларга эга бўлиб, энг латиф рух инсон руҳи эканлиги, у ёпишган ҳам, ажралган ҳам, дохил ҳам, хориж ҳам эмас. Инсон руҳлари мартабасига, ҳеч бир яратилган нарсалар латифлик ёки даража билан етишмаган. Уни ақл чироғи билан излаш беимкон, инсон руҳи риёзат билан камолга етиш имконига эга. Аллоҳ инсон қолибини руҳга макон қилгани, ҳеч бир яратилган бошқа нарсалар маконларнинг илоҳийлигига ва муқаддаслик даражасига эга эмас. Инсон мавжудликнинг мукамал ва муқаддас шакли ҳамда илоҳий ҳикматнинг ҳосиласи сифатида юксак даражаланганлиги тўғрисида хулосалар чиқарилган.

Диссертацияда “Фаслул-хитоб” асарида инсон борлиғини дарахтга қиёслангани ёритилиб: инсон ёғоч бўлмаган танадан иборатлиги таъкидланади. Дарахт томирларига таянгани каби, инсон оёқларига турғазиб қўйилган. Дарахт араб тилида “Шажаратун”, “ташожур”, ўзбек тилида “низо, баҳс, хусумат” маъносини беради. Инсон ҳам ўзида бир-бирига зид бўлган тупроқ, олов, сув ва ҳавони жамлаган дарахтдир. Бу унсурлар баҳс, хусуматлар, низоларни талаб қилади. Бу баҳс, хусумат малоикалар оламида ҳам бор. Улар табиатга, туғиладиган жисмларга таъсир этадилар, доялик қиладилар. Оламдаги хусуматларнинг вужуди аслида илоҳий исмлар ҳикматидадир. Демак, оламдаги барча нарсалар ўзаро алоқада, ерда ва самода ягона қонун асосидаги ҳаракат мавжуд, бу оламнинг тартиблилиги фалсафий ибора билан айтганда детерминизм принципининг намоён бўлиши

¹ Муҳаммад Порсо.Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АҚМ Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV /137 рақамли қўлёзма- Б.3.

² Беруний А. Танланган асарлар. 1 жилд.-Т.: Фан, 1968.-Б.16-17.

³ Муҳаммад Порсо.Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АҚМ Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV /137 рақамли қўлёзма.-Б.88.

⁴ Ўша асар.-Б.81.

ифодаланган. Диссертант буни Муҳаммад Порсо қарашларининг ўзига хослик жиҳати сифатида очиб берган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот асарига асосланиб, одам ва олам муносабатларига оид бўлган инсон қисмати ҳақидаги фикрлар таҳлил этилган. “Дар адл ва ҳикмат бад онки, ҳарчи худойи таоло офариде аст. Дар ҳаққи одамий чоҳор қисмат¹. Яке онки, ҳам дар ин жаҳон судманд аст ва ҳам дар он жаҳон чун илм ва хулқи нейку дар ин жаҳон неъмат биҳақиқати он аст”. “Ҳикмат ва адолат Ундан кейинки, ҳар бир нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир. Дарҳақиқат, тўрт қисмат инсонга хосдир. Биринчиси шуки, инсон бу оламда судманд, яъни фойда келтирувчидир. Иккинчиси, “онки ҳар ду жаҳон зинокор аст чун ноодамий ва бадхўйи ва балойи би ҳақиқат он аст”. Яъни инсон ҳар икки олам гуноҳкоридир, ғайри инсоний ва жирканч, ярамас ҳамда фалокат ва бахтсизликларнинг ҳақиқати ҳам у биландир. Учинчиси, “онки, дар ин жаҳон мароҳат аст ва дар ин жаҳон морҳ чун бисёри неъмат дунё таматтаъаи бадани ва ин неъмат аст биназдикӣ аблаҳон ва бало аст биназдикӣ оқилон”. Учинчиси, калтафаҳмлар учун бу олам кенг роҳат қиладиган жойдир. Унда кўплаб дунё неъматларидан роҳатланиб ётиш жисмоний лаззатланиш- улар наздида неъматдир. Оқиллар наздида эса бу бахтсизлик ва офатдир. Тўртинчиси, “онки дар ин жаҳон морҳ буд ва дар ин жаҳон мароҳат чун риёзат ва муҳолифати шайтон шаҳоват ва ин неъмат аст биназдикӣ орифон бало аст, би наздикӣ аблаҳон ва бад онки онча уро хайр ва танги донад аз у бирун нийст”. Тўртинчиси оламдаги роҳатланиш, лаззатланиш учун қилинган риёзат худди шайтоний шаҳоватга баробардир, шаҳоват, эҳтирослар ҳам улар учун неъмат, орифлар наздида эса офатдир. Эси пастлар уни яхши билмайдикӣ, ундан ташқарига йўл йўқ.

Муҳаммад Порсо ўзининг “Фаслул-хитоб” асарида илгари сурган инсон нуқсонлари хусусидаги фикрларини диссертант қуйидагича таснифлаган:

I. Инсоннинг банда эканлиги.

II. “Ҳастийи вай би вай нийст, балки офариниш аст”, яъни инсоннинг борлиғи Аллоҳ борлиғининг ўзидан эмас, балки у яратилмишдир.

III. Инсоннинг жоҳиллиги унинг нуқсонларининг аввалидир.

Муҳаммад Порсо фикрича, “одам” номи билан яратилган мавжудот уч турли бўлади:

1.Биринчиси, ақли тўлиқ шаклланмаган ва аниқ бўлмаган тасаввурларга қарам одам.

2.Иккинчиси, турли эътиқодларга тақлид қилувчи одам.

3.Учинчиси, ўзининг нафсоний истак-майлларига қарши курашиб, нафсини тозалаган ва ўзининг ёмон сифатларидан воз кечган комил инсон.

Шунингдек, Муҳаммад Порсонинг ҳамма нарса Удир-вахдатул-вужуд, ҳамма нарса Ундандир-вахдатул-шуҳуд назарияларнинг асл моҳияти “Тавҳид” эканлигини асослагани исботланган. Унинг “Тавҳид илми” концепцияси тасаввуф ва фалсафа тарихида мутлақ ҳақиқатни англашнинг диалектик илдизларига эга борлиқнинг бирлиги ва хилма-хиллиги ғоясига

¹ Муҳаммад Порсо.Таҳқиқот. Бухоро. Марказий АКМ Шарқ қўлёзмалари бўлими. INV /137 рақамли қўлёзма. -Б.100.

трансформацияси дейиш мумкин. Инсон оламнинг кичкина нусхаси. Инсон қолиби рухга макон ва риёзат билан камолга етиш имконига эга.

Диссертациянинг учинчи боби “Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг гносеологик моҳияти” деб номланган. Бу бобда “**عقل**” “ақл”, “**حس**” “ҳис”, “**معرفة**” “маърифат”, “**فراصة**” “фиросат”, “**بصرة**” “басират”, “**يقين**” “яқин”, “**علم**” “илм” ва “**عمل**” “амал” тушунчалари ҳамда тасаввуф гносеологиясига оид таълимотлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг гносеологик таълимоти унинг олам ва одам, Яратувчи ва инсон муносабатлари, тасаввуфнинг ўзига хос назарий тушунчалари, истилоҳлари, сўфийларнинг иборалари ва сўфиёна қарашлар устидаги баҳс-мунозаралари ҳақидаги қарашларида баён қилингани ёритилган.

Диссертацияда Муҳаммад Порсо таълимотида билиш бу аввало ўзликни англаш, ҳақиқатни билиш, яратувчини таниш унга маърифат ҳосил қилиш эканлиги, бу таълимотнинг гносеологик моҳиятида Яратувчининг васлига етиш, уни билиш учун дунёдан юз буриш, таркидунё қилишга асосланган таълимотлардан тубдан фарқ қиладиган ирфоний-фалсафий таълимот эканлиги илмий асосланган. Шу билан бирга Муҳаммад Порсо таълимотида гностик (ориф) нинг асосий вазифаси ўзини ўзи такомиллаштириш, ички дунёсини поклаш, инсоний сифатларини илоҳий сифатлар томон юксалтириб, комиллик даражаларига эришишдан иборатлиги уқтирилади.

Тарикатлар ҳам сулукка кирган солиқнинг ҳақиқат томон олиб борувчи, унинг риёзат чекиб, Ҳақ дийдорига эришиш мақсадини амалга ошириш тажриба йўлидир. О.Ф.Акимовнинг “Тарикат Ҳақиқатни мистик билишнинг услубидир”¹, деб таъкидлайди. Инглиз олими Дж. С.Тримингэм фикрига кўра, “Тарикат – амалий услуб бўлиб, толибни тафаккур, ҳиссиёт ва амалларга йўналтиради, уни босқичма-босқич мақомлардан ўтказиб, ҳолатлар, деб номланувчи психологик тажрибалар билан илоҳий ҳақиқатга етказди”².

Тадқиқотда Муҳаммад Порсо гносеологик таълимоти ақл ва ҳис, ақл ва рух, ҳис ва нафс каби назарий тушунчалар таҳлили орқали ёритилган. Муҳаммад Порсонинг “Фаслул-хитоб” асарида илгари сурилган билимлар ҳосил қилишнинг икки қонуни ақл ва ҳис хусусидаги, ақлнинг инсон табиатида юпқа ва қалин парда эканлиги ва ҳис инсон танасининг асири, инсон эса, ақл ва ҳис муомаласининг фарзанди бўлиб, ҳис кучи билан узоқ-яқин, маърифат, ғазаб, ғайр, айн, мен ва сен ҳосил бўлади. Ақл ҳужжати билан эса, яратилган ва далил исбот қилиш мумкин бўлган нарсалар билиб олинади. Ақл ва ҳис тарикатда мустақил бўлолмайди. Ҳис ақлга тобе бўлиши лозим. Ақл шариатнинг тасдиқ ва эҳтиёт тарозисида тортилиши лозимлиги ҳақидаги диний-фалсафий қарашларининг гносеологик моҳияти очиб берилган.

Муҳаммад Порсонинг ҳис ва ақлни “тажаллий” (“инъикос”) назариясига боғлаб тушунтиришдаги услубини рамз, истеора, мажоздан фойдаланишда ўзига хослик сифатида таҳлил этилган. Шу маънода Абу Бакр Калобдий

¹ Тарикат. Ислам. Энциклопедический словарь.-М.: Наука,1991-С.224.

² Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской. М.: Наука, 1989-С.17.

қарашларидаги “кашф” тушунчаси Ҳақ зотининг (субстанция) намоён бўлиши эмас, балки “иститор” (парда, ҳижоб) нингочилиши, яъни инсон билан ғайб олами ўртасидаги башарий ҳижобнинг баратараф бўлиши”¹ орқали ҳақиқатга етишиш ғоясини тажаллий назарияси билан қиёсий таҳлили асосида Муҳаммад Порсо ирфоний ғоясининг фалсафий моҳияти ёритилган.

Диссертант Муҳаммад Порсо ирфоний таълимотида “ҳиссийлик кўп маъноли бўлиб, фақат сезги аъзоларидан иборат эмаслигини таъкидлайди. Мутасаввифнинг “Ҳис-тун, хаёл чироғи, ақл тамийзи (ажратувчи) ва фикр машъаласидир. Ҳис ўзини яхши кўрсатувчи ва нописанд хислатларда бўла олади. Ҳис ва ақл бир-бирига хилоф бўлмаслиги лозим. Ҳис хилқат асли билан қурилишида маҳкамрокдир, яралишда эса олдинрокдир. Йўқолиш нуқсонидан узоқдир. Ҳис ҳарчанд ундан олдин келмасин, ақл унинг султони ва йўл кўрсатувчиси”², деган ғояларини таҳлил этган ва унинг ақлий ва ҳиссий билиш хусусидаги қарашлари таҳлили натижасида тасаввуфда рационал (ақлий) билиш ҳамда ҳиссий билишнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқларини очиб берган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг “басират” дил иши, дил кўзи ва унинг шарти, ҳис ва ақлда тадаббур (фаросат ёки ақлий мулоҳаза) қилиш, ҳиссийликнинг юқори даражаларидан бири эканлиги, Абу Бакр Калободийнинг “Фаросат” басират кўзи билан ғайбни кўриш, пинҳоний кашф қилишлик бўлиб, бу инсоннинг илоҳий бир қувват билан тафаккур этиши туфайли ғайбий маъноларни билиши, фаросати ақлий ёки кашф³, - деган фикрлари билан ўзаро яқинлиги ва фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил этилган. “Таҳқиқот” асарига таяниб, “фаросат” ни қалб кўзи, қалб назари, қалб нигоҳи сифатидаги моҳияти ёритилган ва “фаросат”нинг уч тури фарқланган:

1. Биринчиси, “фаросати баҳрия”-ажратувчи ёки ақлий фаросат;
2. Иккинчиси, “фаросати истедлолий” далилловчи фаросат.
3. Учинчиси, “фаросати қалбий”- қалбий фаросат, бу қалб назарий ёки “назарий фаросат” нур берилиши, қалб поклиги, ботиний ибодатдан етдиган ирфон.

Муҳаммад Порсо “Фаслул-хитоб” асарида Ҳақ дийдорига эришишнинг яқин йўли илм ва маърифат бўлиб, маърифат майдони чексиз-чегарасиз эканлиги, ориф (“гностик”) нинг маърифат даражаси қанча юқори бўлса, Ҳақ жамолига “унс” (“дўстлик”) даражаси шунчалик юксак бўлиши мумкинлиги хусусидаги фикрлари таҳлил этилган. Муҳаммад Порсо фикрига кўра, маърифатда хаёлга сиғмайдиган, ақл уни идрок қилолмайдиган икки даража бор.

1.Биринчиси, маърифатда равшанлик ва комиллик даражаси, хаёлий ёки тушда Ҳақ дийдорига етишиш ҳолидан устивордир.

2.Иккинчиси, маърифатда “руья” (“туш”) ва қалб мушоҳадаси билан Ҳақ маърифатига етишиш тушунилади.

¹ Ахмад Шамсиддин. ат-Таъаруф ли-мазхаби аҳли-т-тасаввуф.(Б.Н. тарж) –Бейрут, 1992. -Б. 63

² Муҳаммад Порсо. Фаслул-хитоб. Қўлёзма. Бухоро: Когон, нақшбандия тарикати музейи фонди. Инв.42. 1443.-Б.229.

³ Абу Бакр Калободий. Ат-Таъаруф. Отакул Мавлонкул ўғли ва Мавлуда Отакул қизи таржимаси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2002. -Б. 86.

Бу Муҳаммад Порсонинг “бир томчи сув одамга айланади, бир дона тухум (уруғ)-дарахтга айланади”¹, -деган иборасида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотда маърифат дийдорнинг уруғидир. Кимда маърифат бўлмаса, у дийдордан тўсилгандир. Кимда маърифат комил бўлса, дийдор ҳам комил бўлиши ҳақидаги Муҳаммад Порсо қарашларининг фалсафий-ирфоний моҳияти диссертант томонидан қўлёзма манбалар асосида очиб берилган.

Муҳаммад Порсо фикрича, маърифат ҳосил қилиш икки турлидир:

Биринчиси, сўфийлар йўли бўлиб, у риёзат чекиш ва бардавом зикр билан ботинни соф тутиш орқали ҳосил бўлади;

Иккинчиси, маърифат илмини ўрганиш бўлиб, бу яратувчининг санъатини тафаккур қилиш орқали, исмлар ва сифатлар ҳақиқатларининг инсонга кашф бўлишидир;

Муҳаммад Порсонинг “Маърифатда накрат (мавҳумлик) юқори бўлади, маърифатга етишган инсонда ҳайрат ортиб боради. Маърифат виждон иши эмас, маърифат илмсиз қийиндир ва илм маърифатсиз уволдир”², деган ғояси илмий ишда ўзига хослик сифатида таҳлил қилинган. Маърифат сўзининг ўзагидаги “арафа” (“билмоқ” ёки “ирфон”) сўзи ёлгон билимлардан чин билимларни ажартиб олиш маъносини беради.

Демак, шунга кўра инсон миясига келган ҳамма фикрлар ҳақиқат бўлавермайди. Ориф ирфон етганда иймондан ажралиб қолиш хавотиридан огоҳликда бўлиши лозим. Мияга келган нарсаларнинг фақат ҳақиқатга мувофиқ келадиганларини ажратиш олиши ва ёдда сақлаш керак. Бу эса, илмсиз амалга ошмайди. Муҳаммад Порсонинг “Фаслул-хитоб” асарида “Бизнинг тариқатимиздан бўлган баъзи орифлар ўз билимсизликлари туфайли ҳол шарафи илмдан эканлигини англамасдан, ҳолни илмдан устун кўядилар. Ҳоллар (ҳол илми соҳиби) мақомлар эгаси бўлиб, “соҳибул-вақт” дир. Ҳолнинг шарафи охиратда бўлиб, дунёда эмасдир. Илм ва мақомнинг шарафи эса дунёда ва охиратда бўлади”³, -деган илм, ҳол ва мақом хусусидаги қарашларининг ирфоний-фалсафий моҳияти тадқиқотда очиб берилган.

Диссертацияда Муҳаммад Порсонинг инсон билимлари уч мартабада воқеъ бўлиши ҳақидаги фикрлари таҳлил этилган.

Биринчиси, “илмул-яқин” инсоннинг мушоҳада шуъласи маълум ва муҳаққиқ равшанлашиш ва рўёбга чиқиш мартабасидир.

Иккинчиси, “Айнул-яқин” эса, мушоҳада ва муъойин (кузатиш) орқали бўлади, хаёл ва асмо ал-ҳусна билан дил хотиржамликка эришади.

Учинчиси, “Айнут-тавҳид” яъни Ҳақнинг ягоналигини билиш, Ҳақни танимоқлик, унга эришишдир.

Муҳаммад Порсо таълимотида “يقين” “яқин” категорияси тасаввуфий билишда асос бўлиб, бошқа ирфоний тушунчалар унга боғлиқлик сезади. “Яқин”-(арабчада: “тўла ишонч”) маъносини беради. Яқин-ҳақиқат нури

¹Муҳаммад Порсо. Фаслул-хитоб. Қўлёзма. Бухоро: Когон, Нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42. 1443.-Б.98.

²Муҳаммад Порсо. Фаслул-хитоб. Қўлёзма. Бухоро: Когон, Нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42. 1443.-Б.98.

³Муҳаммад Порсо. Фаслул-хитоб. Қўлёзма. (Таржима Н.Б.) -Бухоро: Когон, Нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42. 1443.-Б.33.

билан кашф ҳолатида башарий парданинг кўтарилиши бўлиб, соф ақл ва нақл иштирокисиз, важд¹ ва завқ² орқали вужудга келади. Диссертант Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот” асаридаги илк тасаввуф даври намояндаларининг “яқин” тушунчасига берган изоҳ ва таърифларини ўзаро қиёсий таҳлил этган.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг “Фаслул-хитоб” асаридаги илм ва олимлар хусусидаги фикрлари таҳлил этилган. Илм Ҳаққа яқин бўлиш ва унинг сифати, улуғ василадир. Илм воситаси билан улуғ даражаларга етишиш мумкин. Бироқ, илмни мол тўплашга, обрў касб қилишга ёки чиройли неъматларни қўлга киритиш воситасига айлантirmаслик лозим. Илмни ҳаётнинг мазмуни ва охират учун огоҳ бўлган ҳолда ишлатиш лозим³. Шунингдек, диссертант томонидан ислом таълимотининг инсонпарварлик моҳияти билан бирга унинг илмга ҳурмат, илмни қадрлаш, илм аҳлини эъзозлашга қаратилган ғояларини Муҳаммад Порсо илмий мероси асосида таҳлил қилиб, темурийлар даври ва ислом омилининг ўрта аср маданий юксалишларига ижобий таъсири таҳлил этилган.

Диссертант “Фаслул-хитоб” асарида асосланиб, олимларнинг тоифалари, уларнинг фарқларини қуйидагича таҳлил этган.

Биринчи тоифа:

Зоҳирий илмларни эгаллаган олимлар;

Ботиний илм соҳиблари;

Зоҳирий ҳам ботиний илмдан хабардор олимлар;

Иккинчи тоифа:

1. Тил олими, дил жоҳилидир-уларда Аллоҳдан кўркиш ва охиратдан умидворлик йўқ.

2. Илм ўргатиш ва ёйишда молу обрў топиш, халқ қабули ва мансаб учун интилади.

3. Нафс ҳаволари ғолиб бўлган, илми нафсу ҳавосига бўйсунган, илмига амал қилмайдиганлар. Бундай олимлар Муҳаммад Порсо томонидан қуйидаги шеър билан танқид остига олинган.

Дирҳам ҳирси олимларни олуда қилди.

Бу хўрлик уларга каззоблардан келмас.

Доду ҳасрато билан умр тамом бўлди.

Ҳамон бу ўлик ҳирс қумсиз охирига етмайди.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг “соғлом сезги аъзолари” концепцияси таҳлили, унинг билиш назарияси изланиш ва таҳқиқ қилиш усулларига таяниши, халойиқ учун илм воситаси учта: соғлом ҳис қилиш аъзолари, нақл ва ақл эканлиги хусусидаги ғоялари очиб берилган. Шу билан бирга, мутасаввифнинг гносеологик қарашларига кўра, одам ҳис этувчи ва изловчи сифатида қолаверади, изланишлар эса одамнинг ўзи ичра Ҳақ билан учрашиш орқали авж нуқтасига етади. Ҳақни излаш – одамнинг шахсий, аслий негизи ҳақидаги кечинмасидир. Ақл инкор этилмайди. Ақлий билиш ҳиссий билишнинг диалектик инокори сифатида талқин қилинади.

¹ وجد-Важд- хаддан ортиқ хурсандлик Ҳақдан мурид қалбига тушиб унинг ички дунёсини ўзгартирувчи ҳолат

² زوق-Завқ- тасаввуфда Ҳақни кўришнинг биринчи даражаси ҳисобланади.

³ Муҳаммад Порсо. Фаслу-л-хитоб. Қўлёзма. Бухоро: Когон, нақшбандия тариқати музейи фонди. Инв.42. 1443.-Б.47.

Диссертациянинг “Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг маънавий-ахлоқий аҳамияти”, деб номланган тўртинчи бобида нафс ҳаққи ва нафс насибаси орасидаги фарқ, комил шахс тарбияси ва қалб поклиги, диний бағрикенглик ва ахлоқий ғояларининг жамият ҳаётига таъсири масалалари таҳлил этилган.

Диссертант Муҳаммад Порсонинг “Фаслул-хитоб” асарига асосланиб, “Нафс ҳаққи ва нафс насибаси орасидаги фарқ” концепциясининг ижтимоий-ахлоқий аҳамиятини очиб берган. Унга кўра, нафс ҳадга эга бўлиб, дунёвий ва диний ҳалал уни тўсиб туради. Инсонларда нафснинг ҳаддан ўтиши, нафснинг насибаси ҳисобланади. Чунки, инсон ўз эҳтиёжларига, ўз миждозига кўра заруратга эга бўлади. У табиий ва руҳий меъёр соҳиби бўлиб, унинг камолоти шу меъёр¹нинг сақланишига боғлиқдир. Ҳар бир инсон ўз нафсини таниши, нафснинг талабларини билиши ва уни меъёрда сақлаши муҳим. Тасаввуфда бу “тамкин” (“маконлашиш”) яъни руҳий барқарорлик, сокинлик, хотиржамлик ҳолати дейилади. Мутасаввиф фикрига кўра, “Нафсни адашишдан тўғрилашнинг табиий бир сурати йўқ. Нафсининг сифатларидан тўлалигича ажралиб, холи бўлмаган, муҳаббат назари нафсига қаратилишда давом этаётган, кўп насибани ўзининг ҳаққи деб ўйлаган инсонга устознинг ёрдамисиз узрлидир. Унга устоз танбеҳ бериши, унинг хатолигига ҳиммат билан чора топиш устознинг вазифасидир”². Устози бўлмаган инсон, устоз топгунга қадар ўзига тўққиз амални лозим тутиши керак. Зоҳирда: очлик, сафар, сукут, узлат. Ботинда: сидқ, таваккул, сабр, қасд, яқин. Бу ҳолат маърифат аҳлларида: фано ҳолатига фарқ бўлиш; суқр ва унс ҳолатида ўз ифодасини топади. Нафс зарурат чегарасида турмас экан, унинг “замима” хунук ахлоқи ва ёмон сифатлари “ҳамида” мақталган ахлоқ ва чиройли сифатларига алмашмаслиги хусусидаги ахлоқий-фалсафий ғоялари моҳияти ёритилган. Муҳаммад Порсонинг нафсни жараён сифатида талқин этиши унинг таълимотидаги ўзига хосликлардан бири сифатида қаралган.

Диссертацияда “Фаслул-хитоб” асаридаги энг мустаҳкам ахлоқ ўртача ахлоқ, қосир (нуқсонли) ҳам, чуқур кетувчи ҳам эмаслигини ёритилган. “Хусни ҳол” (“чиройли ҳол”-юксак даражали ҳолда бўлиш)-пайғамбарлар, валийларнинг ҳоллари тушунилади. Амалларнинг мақбули ниятлар ва чиройли хулқ билан бўлади. Амалнинг қиймати чиройли хулқдир. Инсонда амаллар, одатлар, қизиқиш ва кўрқиш билан шаклланади. Ахлоқ табиий бўлади, уни риёзат билан, тарбия билан тузатиш, поклаш мумкин. Агар инсон ахлоқи соғлом бўлса ва покланган бўлса у нияти тўғри кишидагина фойда беради. Ахлоқнинг ўзаги тоза бўлса, табиати чиройли бўлса, асли пок бўлса шунда инсон ва жамият ҳаёти учун манфаатли бўлади. Чиройли хулқ бу табиий фитратдан ўтувчи эмас, албатта у фазилатга ўтишдир. Шунингдек, ҳилм, ғазаб, жиддийлик, енгиллик, ҳазил буларнинг ҳаммаси фазилат касб этиш эканлиги хусусидаги ахлоқий-фалсафий ғояларининг моҳиятини очиб берилган.

¹ Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти.- Бухоро, Дурдона, 2017.-Б. 210.

² Муҳаммад Порсо. Фаслул-хитоб. Қўлёзма. Бухоро: Когон, нақшбандия тарикати музейи фонди. Инв.42. 1331.-Б.3.

Муҳаммад Порсонинг бахт ва бахтсизлик ҳам инсон хатти-ҳаракатининг натижаси эканлиги, нафс ва руҳ доимо ўзаро қарама-қаршиликда, курашда бўлиб, руҳ нафсни ўз оламига тортишни истайди. Нафс ўз ўрнида руҳни ўзига тобеъ қилишга ҳаракат қилади. Улар баъзан ғолиб, баъзан мағлуб бўладилар. Қалб эса, ўша ғолибга тобе бўлади. Тадқиқотда бахт ва бахтсизлик ана шу қарама-қаршиликнинг натижасида юзага чиқиши ҳақидаги қарашлар қиёсий таҳлил этилган.

Диссертант Муҳаммад Порсонинг ноқислик ва комиллик ҳақидаги ғояларини “Фаслул-хитоб” асари асосида таҳлил қилган:

1. Ноқислик-хасислик, хулқсизлик, кибр, риёкорликдир. Хасислик бу-қорин лаззати ва қувончи бўлиб, хулқсизлик унинг неъматидан роҳат олади. Қорин ғами нимани талаб қилса, ўшани қилади. Риёкорлик эса, ғазаб ва жаҳл сабабли қорин ғами ва қувончидан баландроқ бўлиб, баъзан ҳайвонлар бунда инсонга шерикдир. Унда кибр шери ғалаба қилган бўлади.

2. Комиллик-Ҳақ маърифати, ҳикмат ва илм орқали бўлади. Ҳақ маърифати унинг ажойиботлари ва сир синоатлари лаззати улғудир. Ҳар кимки, бу лаззатга етишса, у комилдир. Кимдаким, бу лаззатдан ҳеч маъно топмаса, у ноқисдир.

Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг “Таҳқиқот” асарида илгари сурилган “Ҳазрати дил” концепциясига кўра, “дил” илоҳийлик ва инсонийлик ўртасидаги охираат кўзи эканлиги ёритилган. Инсон салтанати “Ҳазрати дил” га ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Инсондаги сифат ўзгариши айнан дил орқали амалга ошади. “Дил”ни хаста қилувчи: беҳуда ва фойдасиз гапларни кўп гапириш; жоҳиллар ва ғофиллар билан мажлис қуриш ва хушчақчақлик қилиш; ҳаром нарсаларни ейиш ва ичиш; меъёрдан ортиқча қулишдан келиб чиқади. Тадқиқотда Муҳаммад Порсонинг Ибн Арабий қарашларидаги “Ҳазороти хамса” (“беш ҳазрат”) назариясини ривожлантириб “Ҳазрати дил” тушунчасини алоҳида “ҳазороти дил” маънавий борлиқ (“ҳозир бўлмоқ ёки мавжудлик”) сифатида фарқлаб, инсондаги сифатий ўзгаришлар айнан дил орқали амалга ошиши хусусидаги қарашлари фалсафий-ирфоний таҳлил этилган.

Диссертацияда Муҳаммад Порсонинг соғлом ва носоғлом дил хусусидаги фикрларининг моҳияти очиб берилган. Бунда, носоғлом дил-ортиқча ейиш, ичиш, таъқиқланган нарсаларни ейишдан вужудга келган лаззатдан ўзида тоат топа олмайдиган, сўқирлик касалига чалинган дилдир. Соғлом дил эса, тавҳид нурига тўлган, ихлос, зуҳд ва қаноат, илмдан, сабрдан тўйинган дилдир. Шу билан бирга, мутасаввифнинг “Нафс ҳаққи ва нафс насибаси орасидаги фарқ” концепцияси ахлоқий ғояга буйсундирилгани ва комиллик мезонларидан бири сифатида талқин этилгани, инсон нафсини тарбиялашда устоз масъуллигини, устози бўлмаган инсон устоз топгунга қадар нафсини таниши ва тийиши ҳамда тўққизта зоҳирий ва ботиний амалларини бажариши лозимлиги таъкидланади. Диссертант ҳеч иккиланмасдан мутасаввифнинг қолдирган бой маънавий меросида тасаввуф фалсафасининг нақадар кенг ёритилганлигини инобатга олиб, уни нафақат назариётчи, балки амалиётчи ва фундаментал илмий юксак даражада қиёмига етган олим деб баҳолаган.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси”даги устувор йўналишлар тизимида маънавий меросимизга бўлган эътибор, янгича ёндашувни талаб қилмоқда. Шу маънода Муҳаммад Порсо илмий меросига оид қимматли янги қўлёзма манбалар таржима этилди. Мазкур манбаларни илмий-фалсафий таҳлил этиш натижасида уларни муносиб баҳолаш ва илмий муомалага киритиш лозимлиги долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз ўрнида ушбу илмий мероснинг маърифий, ижтимоий-ахлоқий ғояларини баркамол, интеллектуал, креатив тафаккурли авлод тарбиясига жорий қилиш муаммонинг долзарблигини янада оширади. Тадқиқотда тасаввуф таълимотининг фалсафий жиҳатларини ўрганар эканмиз, тасаввуф ва фалсафа одамларни ҳақиқатни билишга, маърифатли, мустаҳкам эътиқодли, адолатли, руҳан ҳалол-пок ҳаётда фаолликка, меҳнат қилишга, ҳурфикрликка, илм-фан, ислом динининг инсонпарвалик моҳиятини тарғиб қилишга ҳамда диний бағрикенгликка ундаб келган.

2. Учинчи минг йилликка қадам қўйган инсоният замонавий илмий-техникавий тараққиётнинг мислсиз шиддати таъсирида асл маънавий-ахлоқий қадриятлардан, баъзан айрим инсоний сифатлардан узоқлашиб қолиш эҳтимолидан хавотирга тушмоқда. Бу жараёнларда жамиятнинг маънавий-ахлоқий барқарорлигига хавф соладиган асосий белгилардан бири ижтимоий идентликнинг инқирози бўлиб, у ҳаёт мазмунини тўғри англамасликка, вайронкорликка мойилликни ўстирувчи, жамият аъзоларида ўзаро муносабатларда тажаввузкорликни уйғотувчи иллатга айланиши мумкин. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун, дунё халқлари фалсафаси тарихи, тасаввуф алломаларининг таълимотлари, жумладан, Нақшбандия тариқати назариётчиси Муҳаммад Порсо меросини синчиклаб ўрганиш зарур. Чунончи, нақшбандия маънавий-ахлоқий тарбия мактабининг тажрибалари, инсоний жамият маънавий-ахлоқий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида дунё халқлари маънавий чанқоғини қондириб келган.

3. Собиқ мустабидлик мафқураси ўрта асрларда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик алломалар илмий, диний-фалсафий, тасаввуфий асарларини хурофий ижод маҳсули сифатида қоралаб, уларни тадқиқ этишга йўл қўймади. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг бу соҳага қаратаётган алоҳида эътиборлари, тасаввуфнинг илғор ва бунёдкор ғояларини ўрганиш, уларни ҳаётга тадбиқ этишда биз олимларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

4. Муҳаммад Порсонинг илмий ижодий услуби мавжуд турли таълимотлардан синтез йўли билан янги назарияни ишлаб чиқишнинг ўзига хос намунаси бўлиб, тасаввуф назарияси тараққиётида бурилиш нуқтасини белгилаб берган. Бу эса, XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда тасаввуф фалсафаси ва у билан боғлиқ муаммолар, баҳс мунозараларнинг назарий асослари ва ривожини, тариқатлар тарихи ҳамда даврнинг маънавий

ҳаётидаги ўрни аниқлаш ҳамда аждодлар тафаккури ҳосилаларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

5. Муҳаммад Порсо яратган йирик тасаввуфий, фалсафий, асарларни темурийлар даврининг ютуқларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ўз ўрнида бу улкан мерос Шарқий Туркистонда, Кавказ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий тафаккурига сезиларли таъсир кўрсатган.

6. Мутасаввифнинг фалсафий-ирфоний меросида борлиқ ва инсон, борлиқ ва Худо, инсон ва табиат масалаларига кенг ўрин ажратилган. Уларни таҳлил қилишда Фаридуддин Аттор, Ибн Арабий, Жалолиддин Румий асарларига мурожаат қилади. Уларга таяниб, билишда илҳом, важд, мукошафа, фаросат, басират муҳим эканлигини эътироф этади. Шунингдек, рационал тафаккур билан бир қаторда иррационаллик тамойилларининг устуворлиги алоҳида аҳамиятга эга.

7. Мутасаввифнинг ахлоқий қарашлари ва унинг муҳим жиҳатлари нақшбандиёна ахлоқ-одоб ва инсон камолотига оид фикр ва ғоялари “Дил ба ёру даст ба кор” тамойилига мос эканлиги, касб-ҳунар эгаллаш, ҳалол меҳнат қилиш орқали ҳаёт кечирish, турли расм-русумлардан воз кечish, инсонийликни улуғлаш, меҳр-шафқатли бўлишдек ғояларининг бугунги кун ёшлар онгига сингдириш уларда ҳаётни севиш, вақтнинг қадрини билишни ўргатади ҳамда ҳар қандай маънавий таҳдиларга қарши тура оладиган мустаҳкам иммунитетни шакллантиришда хизмат қилади.

8. Онтологик жиҳатдан тасаввуф Аллоҳ ва табиатнинг айнийлигини эътироф этиб, пантеизмга етиб келган бўлса, тасаввуфий гносеология инсон Ҳаққа етишиши мумкин, инсон ва Аллоҳ бевосита алоқада деган ғояни илгари сурди. Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотига кўра олий мақсадга эришиш - Ҳақни билишдан иборат. Бу мақсадга ўзини-ўзи такомиллаштириш ва ўзини-ўзи билиш йўли билан эришилади. Ўз моҳиятини билиш жараёнида инсон ўзида илоҳий унсурлар мавжудлигини, Аллоҳни билишнинг бирдан-бир тўғри усули ўзини-ўзи билиш, яъни ўзликни англаш эканини тушуна бошлайди.

9. Сўфийлар мусулмон жамоаларининг турли қатламлари маънавий эҳтиёжларига жавоб бера олгани сабабли тасаввуф узок вақтлар давомида ислом мамлакатларида ижтимоий-сиёсий тафаккурга ва маданиятга ижобий таъсир этди. Ижтимоий муҳитга монанд тарзда уларга турлича муносабатда бўлди. Умуман, тасаввуф ўзининг илк ривожланиш босқичларида ҳукмрон сиёсий тизим ва мафкуранинг ижтимоий адолатсизлигига қарши билдирилган султ норозиликни ифодаларди. Тасаввуфнинг меҳнаткаш халқ орзу-умидларини ифодалаш ва уларнинг манфаатлари ҳимоячиси сифатида чиқишлари унинг кенг омма ичида эътироф этилишига олиб келди. Вужудга келишида ва ривожланишининг илк даврдан бошлаб тасаввуф тарафдорлари ўз даври ҳукмдорларини адолатли ишлар қилишга чақирганлар. Муҳаммад Порсонинг темурий шахзодалар билан алоқалари ва ҳукмдорларга яқинлашуви унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолияти ҳам ушбу мақсадларга хизмат қилган.

10. Инсон оламдаги мавжудотлардан фарқли табиий ва руҳий меъёр соҳиби, унинг камолоти шу меъёрнинг сақланишига боғлиқлиги хусусидаги “нафс ҳаққи ва насибаси” концепциясининг замонавий ахлоқий-фалсафий яратувчанлик ва гуманистик моҳиятидаги мезоний қадриятлар тизими ҳамда ўз-ўзини тафтиш қилиш, нафс офатларидан сақланиш, сабрли, қаноатли бўлиш каби фазилат ва хислатларни шакллантиришда устоз-шогирд тизимининг тарихий тажрибалари бугунги тарбиявий ишларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

11. Инсон борлиғи барқарорлиги нафс ҳаққи ва нафс тарбияси, хулқ-атвор гўзаллигига боғлиқлигининг ахлоқий-креатив характери ёшларнинг меъёрий ҳиссий ҳолатларини таъминлаш ҳамда турли таҳдидларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдаги мотивацион самарадорлигига хизмат қилади.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, қуйидаги тавсияларни беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Виртуал оламда кенг китобхонлар оммаси учун Муҳаммад Порсо кутубхонасига тегишли асарлар электрон каталогини ишлаб чиқиш;

2. Ушбу асарлар асосида Олий ва ўрта махсус таълим тизимида таълим-тарбия ва касб-ҳунар эгаллашнинг янги тенденцияларини ишлаб чиқиш;

3. Тасаввуф илми мактаби талабалари ва мударрислари учун тасаввуф истилоҳларига оид манбаларни ўрганиш бўйича махсус курс ташкил этиш;

4. Тасаввуф луғати китобини тайёрлаш асосида Муҳаммад Порсо асарларининг изоҳли луғатини ишлаб чиқиш;

5. Ўзбекистонда “Зиёрат туризм” ини ривожлантириш мақсадида Муҳаммад Порсо асарлари асосида зиёратчилар учун қўлланмалар тайёрлаш ва нашр эттириш.

6. Вилоятлардаги имомлар ва отин аёллар учун тасаввуфнинг ахлоқ-одоб нормалари ва халқимизнинг маънавий ҳаётида унга амал қилиш тамойиллари мавзусида ўқув семинарлар ташкил этиш.

7. Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда Муҳаммад Порсо асарларининг нусхаларини жаҳон кутубхона фондларидан олиб тўлиқ таржимасини амалга ошириш ва нашр эттириш.

8. Хожагон-нақшбандия таълимотининг назарий масалалари таҳлили ва тавсифи мавзусида ўқув қўлланма тайёрлаш ва нашр эттириш.

9. Тасаввуф ва нафс тарбияси мавзусида рисола тайёрлаш ва нашр эттириш.

10. Муҳаммад Порсонинг ҳозирги “Хожа Порсо” кўчасидаги масжиди ва мадрасаси, кутубхонаси манзилини “Етти Пир” зиёрат туризми йўл харитасига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НАМОЗОВ БОБИР БАХРИЕВИЧ

**ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ СУФИЙСКОГО УЧЕНИЯ
МУХАММАДА ПОРСО**

09.00.03 – История философии

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)

Самарканд – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2017. DSc / Fall18.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательного портала "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Гулчехра Нейматовна Наврузова
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Тураев Бахтиёр Омонов
доктор философских наук, профессор

Мадаева Шахноза Омоуллаева
доктор философских наук, профессор

Сафарова Нигора Олимовна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится "8" май 2021 года в 14 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02. при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40 e-mail: rector@samdu.uz, Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № 16). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.)

Автореферат диссертации разослан "5" май 2021 г.
(реестр протокола рассылки № 16 от "5" май 2021 г.).



С.К.Каримов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD)

С.А. Чориев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Вопросы устойчивости изменений происходящих в системе духовно-нравственных ценностей человека под влиянием социально-политических процессов современности происходящих в мире становятся всё более актуальными. Особенно, важное значение приобретает нормирование культурно-трансформационных процессов в информационном обществе в эпоху борьбы за сознание и сердце человека, обеспечение приоритета ценностей через общечеловеческие, духовно-нравственные идеи, следовать принципу историчности при выполнении идеалов знания и норм. С этой точки зрения, обеспечение преемственности знаний, интеллектуального развития современной молодёжи и духовно-нравственного формирования, гармонизация взглядов великих мыслителей о критериях совершенства человека, пронизательности просвещения, осознании истины, духовного развития с новшествами современности на сегодняшний день сохраняет свою необходимость.

В процессе развития научно-философского наследия в мире проводятся фундаментальные исследования в рамках взглядов великих мыслителей о научно-просветительском, философско-познавательном учениях, в частности познание мира, человеке и его социальной сущности. В том числе, в настоящее время обоснование создания мира в духовном наследии суфиев внесших весомый вклад в цивилизацию мира, исследование научных аспектов учения о Создателе и сущности человека, раскрытие причин склонности человека к добру и злу, необходимости соблюдения культуры компромисса в социальных отношениях приобретает научно-теоретическую значимость. В этом смысле, исследование философских взглядов Мухаммада Порсо выдвигаемых в его учении о религиозной толерантности, мире, справедливости, критики попираания прав человека, пропаганда психологически-духовной гармонии становятся необходимыми объектами современной науки.

В нашей стране особое внимание уделяется изучению взглядов на духовное наследие Вселенной и человека, природу человека, духовность личности, веру, образование и воспитание, использованию идей, соответствующих духу своего времени в воспитании подрастающего поколения как достойных потомков. “Продвижение гуманистической сущности ислама на основе благородной идеи “просвещение против невежества” в нашей стране, служащей таким благородным целям, как мир и дружба, останется одним из актуальных вопросов нашей повестки дня”¹. В данном контексте, возникает необходимость всестороннего научно-теоретического изучения экзистенциальных идей представителей учения суфизма внесших большой вклад в пропаганде сущности гуманизма религии Ислам, в частности философско-научных взглядов позитивно влияющих на

¹Мирзиёв Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020.-Б.43.

совершенство человека основателя учения “Порсоия” Мухаммада Порсо на основе общечеловеческих ценностей.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан УП-6017 “О мерах по коренному реформированию и поднятию на новый уровень государственной молодежной политики в Республике Узбекистан” от 30 июня 2020 года, Указе Президента Республики Узбекистан УП-6108 “О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана” от 6 ноября 2020 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2995 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников” от 24 мая 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3080 “О мерах организации Центра Исламской культуры в Узбекистане при кабинете Министров Республики Узбекистан” от 23 июня 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4802 “О мерах по образованию Международного научно-исследовательского центра Имама Матуриди” от 11 августа 2020 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 466 “О мерах по организации деятельности и поддержке Международной исламской академии Узбекистана” от 22 июня 2018 года и других нормативно-правовых документов относящихся к данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. “Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества демократического государства и пути их реализации”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹.

Изучение духовного наследия мыслителей Востока, в том числе философские и ирфанические идеи учения о суфизме и его влияния на развитие философской мысли, осуществление фундаментальных исследований реализуется ведущими мировыми научными центрами и высшими учебными заведениями такими как, Centre International investergate of Oxford University, School of Culture, religions and politicuy in Asia (Великобритания), Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society (ФРГ), Islamic Supreme Council of America (ISCA), Al-Azhar university (Египет, Каир), Санкт-Петербургский государственный университет (РФ), The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia (США), University of Western Ontario

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de;> <https://www.en.uni-muenchen.de;> <https://www.univ-lille.fr;> <https://www.lse.edu;> <https://www.umich.edu;> <https://www.doshisha.ac.jp;> <https://www.utoronto.edu;> <https://www.cbu.ca;> <https://www.unn.ru;> [http://library.fes.de/;](http://library.fes.de/) <https://www.ritsumei.ac.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

(Канада), Institute of Central Asia (Франция), Institute of International relations (Швеция), Dicle university (Турция), а также, Международной Исламской академией Узбекистана, Международным научно-исследовательским центром Имама Бухари и Центром Исламской цивилизации в Узбекистане.

